

Аҳли китобдан ҳеч нарса сўраманг!



19:30 / 16.11.2021 2318

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай марҳамат қилади:

مُكْوَدَّرِي بَاتِكُلِّ الْاُوتُوا نِي دَلَا نَم اُقِي رَف اُوُعِي ط ت ن اُوْنَم اَنِي دَلَا اِهْيَا اِي
نِي رِفَاكُمُ كِنَامِي اِنْعَب

Эй иймон келтирганлар! Агар китоб берилганлардан бир гуруҳига итоат қилсангиз, иймонингиздан кейин сизни кофир ҳолга қайтарадир. (Оли Имрон сураси, 100-оят).

Аллоҳ таоло мусулмон умматини барчага йўлбошчи, икки дунё саодатига етакловчи илғор уммат қилди. Аллоҳ таоло бу умматни бандаларни бандага бандалик қилишдан ягона Аллоҳнинг Ўзига бандалик қилишга чақириш учун, ботил, бузилган динлар ва тузумларнинг зулмидан Исломнинг адолатига чақириш учун, дунёнинг торлигидан охиратнинг кенглигига чақириш учун юборди. Шундай сифатларга эга бўлган уммат қандай қилиб йўлдан адашган аҳли китобларга эргашиши мумкин?! Агар аҳли китобларга эргашсалар, улкан бахту саодатдан ажраб, иймондан чиқиб, яна кофирликка қайтадилар.

نَم وُ هُلُ وُسَر ر مُكِي ف و ل ل ا ا ت ا ي ا مُ ك ي ل ع ي ل ت ت م ن ا و ن و ر ف ك ت ف ي ك و
م ي ق ت س م ط ا ر ص ي ل ا ي د ه د ق ف ه ل ل ا ب م ص ت ع ي

Қандай қилиб куфр келтирасиз?! Ҳолбуки, Аллоҳнинг оятлари сизга тиловат қилиб турилган бўлса ва Унинг Расули ичингизда бўлса! Ким Аллоҳни маҳкам тутса, шубҳасиз, тўғри йўлга ҳидоят қилинибди. (Оли Имрон сураси, 101-оят).

Аллоҳ таоло мусулмон умматини катта бахт-саодатга муяссар қилди: ўша пайтларда уларга Аллоҳнинг оятлари тиловат қилиниб, икки дунё бахти-саодатига эриштирувчи йўлланмалар эшиттириб туриларди. Ораларида Аллоҳнинг Расули Муҳаммад алайҳиссалом юрар, барча керакли нарсаларни баён қилиб берар эдилар. Муҳаммад Мустафо алайҳиссалом вассалом Рафиқи Аълога кўтарилганларидан кейин ҳам Аллоҳнинг муборак оятлари ҳамон тиловат қилиб турилибди. Иншааллоҳ, қиёмат кунигача тиловат қилинажак. Яна бир бахт шуки, Набий алайҳиссаломнинг суннати мутаҳҳаралари сақланиб қолган, бу суннат у кишининг вазифаларини то қиёматгача адо этади. Шундай улкан саодат ичида туриб, куфрга кетиш жуда ҳам улкан гуноҳ, кечириб бўлмас айб ҳисобланади.

«Ким Аллоҳни маҳкам тутса, шубҳасиз, тўғри йўлга ҳидоят қилинибди».

Аллоҳни маҳкам тутган кам бўлмайди. Чунки Аллоҳ доим ҳаёт, ҳозир нозир, бенуқсон Зотдир. Аллоҳни маҳкам тутиш Аллоҳнинг динини маҳкам тутиш билан бўлади. Ана шундагина инсон тўғри йўлни танлаган бўлади. Бошқа ҳеч қандай нарса тўғри йўлни кўрсатиши мумкин эмас. Ақийда масаласида, маънавий йўл тутиш масаласида исломий масдарлардан бошқа томонга бурилиш мутлақо нотўғридир.

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳам бу масалада қаттиқ турганлар.

Имом Аҳмад раҳматуллоҳи алайҳи Абдуллоҳ ибн Собитдан ривоят қиладилар:

«Умар розияллоҳу анҳу Расулуллоҳнинг ҳузурларига келиб:

– Эй Аллоҳнинг Расули, Бану қурайзалик бир яҳудий оғайним менга Тавротдан ажойиб нарсаларни ёзиб берди, сизга кўрсатайми? – деди.

Шунда Расулуллоҳнинг ранглари ўзгариб кетди. Абдуллоҳ ибн Собит Умарга:

– Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг юзларини кўряпсанми? – деди. Умар:

– Аллоҳни Робб деб, Исломни дин деб, Муҳаммадни Расул деб рози бўлдим,
– деди. Шунда Набий алайҳиссалом ўзларига келдилар-да:

– Аллоҳга қасамки, агар Мусо алайҳиссалом ичингизда бўлса-ю, мени қўйиб, унга эргашсангиз, залолатга кетган, адашган бўлар эдингиз. Сизлар умматлар ичида менинг насибамсиз. Мен пайғамбарлар ичида сизнинг насибангизман, – дедилар».

Ҳофиз Абу Яъло Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар алайҳиссалому вассалом:

«Аҳли китобдан ҳеч нарса сўраманглар. Улар адашган одамлардир, сизларни ҳаргиз ҳидоятга сола олмайдилар. Уларга ишонсангиз, ё ботилни тасдиқ қилган бўласиз, ё ҳақни ёлғонга чиқарган бўласиз. Аллоҳга қасамки, Мусо ва Ийсо тирик бўлганларида, менга эргашишларидан бошқа нарса уларга ҳалол бўлмас эди», – деганлар.

«Тафсири Ҳилол» китоби асосида тайёрланди